

МУНДАРИЖА

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК

S.Rustamiy. E'not san'ati	3
Б.М.Бегматова, Н.К.Саидова. Феълларни майларда ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар	6
Н.М.Саидова. Становление саудовского романа в первой половине XX века	12
N.K.Kabirova. Afg'on yozuvchisi Asadullo Habibning "أفتاب گرفتگی" ("Quyosh tutilishi") hikoyasida peyzaj tasviri	20
Н.Т.Абдурахманова. "Ал-Мустасфо" асарининг ёзилиш тарихи ва ўзига хос услуглари	25
D.T.Nasirova. Mamluklar davridagi arab- qirchoq lug'atlarining o'rganilishi.....	29
М.А.Ашурова. Жанр роман в Китайской литературе 20 века: развитие, тематика и влияние.....	33

МОЗИЙГА НАЗАР

М.М.Абдупатгаев. XI-XII аср Салжукийлар даври олимларининг ислом илмлари ривожда тутган ўрни	38
З.И.Зинатуллаев. IX-XII асрлар Мовароуннахр сулолаларининг илм-фанга эътибори.....	46
К.А.Жамаҳматов. Манбаларда Саййид Низомиддин Муҳаммад Термизийнинг хаёти ва ижодий фаолиятининг тавсифи	52

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

D.R.Karimova. O'zbekistonda bolalarni zararli axborotlardan himoya qilishning qonuniy asoslari	57
Ф.Ҳалимов. Вақфшунослик соҳасининг ривожланиш босқичлари	61



Муассислар:

Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Бош муҳаррир:

Уйғун ҒАФУРОВ

Нашр учун масъул:

Иродахон ҒАФУРОВА

Таҳрир хайъати:

Нурислом ТУХЛИЕВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ
Матлуба КАХХАРОВА
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ
Иродахон ҒАФУРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Содиқ ТОШБОЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:

Дурбек РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:

Разия МАТИБАЕВА

Бадий муҳаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:

Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iiu.uz

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича
қўмитасининг 03.06.2024 йилдаги
03-07/3301-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос
олинса, «Ислом тафаккури» журналидан
олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,
Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилаётгани сабабли
уни ножоиз жойларга ташламанг.

Журналдаги мақолаларда берилган маълумотларнинг
тўғри ва оригиналиги учун муаллифларнинг шахсан
ўзлари масъулдирлар.

Босишга 17.04.2024 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида
босилди. Шартли 32,6 б.т. Буюртма:
Адади 100 дона.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

ҚУРЪОНШУНОСЛИК ВА ҲАДИСШУНОСЛИК

- Dr. Abdulrahman OBEID,**
M.D.Kamruzzaman. The connotations of the
quranic language: the incident of calumny in
surat “al-Nur” as a model..... 68

СИЁСАТШУНОСЛИК

- A.B.Mamadjonov.** O‘zbekiston tashqi
siyosatida turkiy davlatlar tashkiloti
yo‘nalishi va istiqbollari 72

ДИНШУНОСЛИК

- P.T.Уразова, Ж.Н.Садуова.** Авестада
ёвузликнинг руҳий-ахлоқий кўринишлари
(Аэшма ва Араск мисолида)..... 77
- A.N.O‘ktamov.** Din niqobidagi ekstremizm
va radikalizmga qarshi kurashning milliy va
xalqaro huquqiy asoslari 81
- B.A.Egamberganov, G.N.Xudoyberganova.**
Yahudiy jamoalarining etnik bo‘linishi:
Sefardlar, Ashkenazlar, Mizrahlar va
Buxoro yahudiylar 86

МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ

- H.C.Сайидирахимова.** Маданиятлараро
мулоқотда “маданият”, “энкультурация”,
“социализация” ва “аккультурация”
тушунчалари 91

ПЕДАГОГИКА ВА ФАЛСАФА

- G.S.Fuzailova.** Formation of pedagogical
creativity of students 96
- M.Sh.Jumaniyazova.** Sharq mutafakkirlarining
oilalarda reproduktiv salomatlikni
mustahkamlashga oid ijtimoiy-falsafiy
qarashlari 100

ПСИХОЛОГИЯ

- X.Алимов.** Ҳасан Басрий ва Абдулвоҳид
ибн Зайд Зухд психологиясининг
асосчилари сифатида 105

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

- M.S.Xodjayeva.** Axborot xavfsizligiga
tahdirlarni oldini olish muammolari va
ularning echmlari 108
- D.S.Tuxtanazarov, Sh.Sh.Safarov.** Yoshlarni
smartfonlardan foydalanishini nazorat qilish
tizimini ishlab chiqish 112

ҚУТЛОВ

- З.Исломов.** Фикҳ илмининг
“Ятимаду-д-Даҳри” 116

АБДУРАХМАНОВА Наргиза Тахировна,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти
nargizatoxirgizi@gmail.com

“АЛ-МУСТАСФО” АСАРИНИНГ ЎЗИЛИШ ТАРИХИ ВА ЎЗИГА ХОС УСЛУБЛАРИ

ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ И ХАРАКТЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВЕДЕНИЙ «АЛЬ- МУСТАСФО»

HISTORY OF CREATION AND CHARACTERISTIC FEATURES OF “AL-MUSTASFO” WORKS

Аннотация: Мақолада ҳанафий мактабининг машҳур вакили, атоқли муфассир, фақиҳ, имом Ҳофизиддин Абул Баракот Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари ҳақида сўз юритилган. Асарнинг ўзлиш тарихи, ўзига хос услублари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, унда келтирилган фикҳий масалалар Қуръони карим оятлари ҳамда ҳадиси шарифлар билан далилланиб, алломанинг фикрлари билан янада бойитилган.

Калит сўзлар: аллома, фикҳ, усул, ибора, манба, матн, шарҳ, боб, тафсир, услуб.

Аннотация: Статья посвящена произведению «Аль-Мустасфо» известного представителя ханафитского мазхаба, знаменитого муфассира, факиха, имама Хафиз ад-Дин Абул Баракат Насафи. В статье описывается история создания произведения, его характерные особенности. Юридические вопросы, изложенные в нем, подкреплены аятами Корана и хадисами, а также обогащены мыслями автора.

Ключевые слова: мыслитель, фикх, метод, фраза, источник, текст, комментарий, глава, тафсир, стиль.

Abstract: The article talks about the work “al-Mustasfa” by the famous representative of the Hanafi school, famous commentator, jurist, imam Hafiziddin Abul Barakat Nasafi. Information is given about the history of writing the work, its unique styles. In addition, the legal issues set out in it are proven by the verses of the Holy Quran and Hadith, and are also enriched by the opinions of scholars.

Key words: thinker, fiqh (Islamic jurisprudence), method, phrase, source, text, commentary, chapter, tafsir, style.

КИРИШ

“Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чоррахаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олим уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади”[1]. Ҳофизиддин Абул Баракот Насафий ҳам тафсир, ақида, фикҳ соҳаларида мерос қолдирган етук алломаларимиздан бири ҳисобланади.

Абул Баракот Насафийнинг ҳанафий мазҳабига асосланиб ёзган “Канз ад-дақоик” (“Нозик масалалар ҳазинаси”), “ал-Вофий” (“Тўлиқ”) ва унинг “ал-Кофий” (“Кифоя қилувчи”) номли шарҳи, “ал-Манор” (“Машғал”) ҳамда унинг “Кашф ал-асрор” (“Сирларни очиш”) номли шарҳи, “ал-Мусаффо фи шарҳ ал-манзума ан-Насафия” (“Насафий назмининг аниқланган номли шарҳи”), “ал-Мустасфо фи шарҳ ан-Нофеъ фил-фуруъ” (“Фикҳга оид ан-Нофеънинг Мукаммал номли шарҳи”) каби бир қанча фикҳий асарлари мавжуд. Улар орасида “ал-Мустасфо фи шарҳ ан-Нофеъ фил-фуруъ” асари муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абул Баракот Насафий асарни ўз илми ва хулосалари билан бир қаторда, устози Ҳамидиддин Ромишийдан сабоқ олган фойдали тавсия ва таълимотлари билан ҳам бойитди. “Ал-Мустасфо” асарининг муқаддимасида китобнинг устози Ҳамидиддин Ромиший тавсияси билан ёзилгани қайд этилган. Имом Насафий мухтасарни шарҳлашга ундаган сабаб ҳақида шундай дейди: “Улуғ шайхимиз устоз Ҳамидиддин Ромиший мухтасаридаги пардалар кўтарилди ва кўзга кўринмас жихатлар очилди... У менга ундан олган фойдаларимни тартибга солишим ва бир тизимга келтиришимни маслаҳат берди. Мен бу кўрсатмага итоат қилдим. Мададкор бўлган Аллоҳдан ёрдам сўраб, манфаатини кўпайтириш мақсадида шарҳни фикрлар билан бойитдим ҳамда “Мабсут” китобларидан қўшимчалар киритдим”[2].

Ушбу шарҳ вужудга келишида икки босқичдан ўтган: биринчиси имом Ҳамидиддин Ромишийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ”дан берган тавсия ва сабоқлари бўлиб, имом Насафий ушбу

сабоқларда иштирок этган ҳамда ундан олган билим ва тажрибаларини жамлаб, “ал-Манофеъ фи фавоид ан-Нофеъ” номли асар ёзган.

Иккинчи босқичда Насафий ушбу шарҳ ва таълиқотларни тартиблаб, бир тизимга солиб, унга қўшимчалар киритади ҳамда мулоҳаза, далиллар билан бойитади. Бу икки босқич асарнинг пухта, ишончли ва мукамал бўлишига хизмат қилади[3].

Мазкур асар Насафийнинг фикҳ ва усул бўйича ёзган асарлари учун пойдевор саналади. Аллома “ал-Мустасфо” асарини ўзининг “ал-Муставфо” асарида кейин таълиф этган. Бу эса ўз навбатида олимнинг энг биринчи асари саналади. Ҳофизиддин Насафий “ал-Мустасфо” асарини 1266 йилда ёзган. Шунинг учун аллома ўзининг “ал-Вофий”, “Кашф ал-асрор”, “Шарҳ ал-Мунтахаб”, “ал-Мусаффо” каби кейинги асарларида мазкур асардан иқтибослар келтирган[4].

“Ал-Мустасфо” муаллифнинг Имом Абул Қосим Муҳаммад ибн Юсуф Ҳасаний Самарқандий (в.1161) қаламига мансуб “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асарига ёзган шарҳи ҳисобланади. Асар 63 та китоб (бўлим), 176 та катта-кичик боб ҳамда фасллардан иборат. У “Китобу-т-тахорат” (Поклик китоби) билан бошланиб, “Китобу-л-хунаса” (Хунаса ҳақида китоб) билан якунланган.

Насафий муаллиф сўзларини манба сифатида “қовлуҳу” (قوله – “унинг сўзи”) калимаси билан бошлаб, қандайдир ҳукм ёки масала тақдим этади. Бунда у ўша ҳукм ёки масаланинг далилини кўрсатиш ёки асоси бўлган тамойилни зикр қилишга аҳамият беради. Ақлий далилларни келтириб, асардаги сўзлардан яширинган маъноларни баён этади. Шунингдек, муаллиф келтирган оятларни тафсир қилиб, ҳадисларни шарҳлайди.

Аллома ҳар бир боб ва фаслларни шарҳлашда унинг мавзуси бўлган сўзнинг луғавий ва шаръий маъноларини батафсил ёритади. Мавзуга доир Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлардан мисоллар келтиради. Олимларнинг ҳам бу мавзуга оид фикрларини баён этади. “Таяммум боби”да: “Шамсул аимма Сарахсий: “Таяммум” луғатда “қасд” деган маънони англатади, деган. Шаръий истилоҳда покиза тупроқ билан покланишни ният қилишга айтилади. Таяммум Қуръони каримнинг: “Сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилинганлар”¹ ояти билан собит бўлган. Ушбу

¹ Монода сураси, 6-оят; Нисо сураси, 43-оят.

оят Мурайсиё² газотида нозил бўлган”, деган маълумотларни келтириб ўтган. Шунингдек, “Эътикоф” бобида муфассир Ато ибн Муслим Хурсонийнинг эътикофга оид гўзал ташбеҳидан мавзун ифтиҳида фойдаланган: “Эътикоф қилувчи худди бирон эътиборли кишида ҳожати бўлиб, эшигининг тагида: “Токи ҳожатим чиқмас экан, кетмайман”, деб ўтирган инсонга ўхшайди. Худди шу каби эътикоф қилувчи Аллоҳнинг уйида: “Туноҳларимни мағфират қилмагунингча, кетмайман”, деган маънода ибодат қилади[5].

Шарҳнинг ўзига хос услубларидан бири шундаки, Насафий асарда келтирилган масалаларни баён қилишда “фаин қила” (فان قيل – “агар дейилса”)

жумласи орқали матндаги масаланинг ўхшаш жиҳатини келтириб, “қулна” (قلنا – “биз дедик”) ибораси билан унинг далиллари тақдим этади ҳамда маъносини изоҳлайди. Асарнинг “Қасамлар” бобида: “Ким уйга кирмайман деб қасам ичса-ю, Каъбага, масжидга, сенагогга, канисага кирса, қасамини бузган бўлмайди. Чунки урфда бу лафзлардаги жой номларидан кўзланган мақсад бошқа”, деган жумла келтирилган. Насафий уни қуйидагича шарҳлайди: “Байт яъни уй дегани яшаш учун ҳозирланган жойни англатади. Юқорида тилга олинган жой номлари эса яшаш учун мўлжалланмаган. Агар Аллоҳ таоло муборак каломиди: “Одамларга муборак, оламларга ҳидоят қилиб қўйилган биринчи уй – Баққадаги уй”³ оятидаги уй деганда Аллоҳ Каъбани назарда тутмаганми ёки: “У бир уйлардаки, Аллоҳ уларнинг кўтарилишига ва уларда Ўз исми зикр қилинишига изн бергандир”⁴ оятида масжидларни уйлар деб атамаганми дейилса, биз: “Қасамлар Қуръон сўзларига бино қилинмайди. Қуръонда ўргимчак ини ҳам уй (байт) сўзи билан келган. Бу эса уй сўзининг мутлақо унга тааллуқли эканига далолат қилмайди, деймиз”[6].

Алломанинг асар муаллифи келтирган масалаларни бир ёки бир неча оят ва ҳадислар билан исботлаши шарҳнинг қимматини янада оширишга хизмат қилади. Масалан “Икки

² Ҳузоъа юртидаги бир қишлоқ ёки анҳорнинг номи. Мурайсиё маккалик бўлмаган мушрикларга қарши илк ғазот бўлиб, “Бани Мусталиқ жанги” ҳам дейилади. Бу ғазот Ҳудайбия битимидан олдин, Хандақ жангидан кейин бўлиб ўтган.

³ Оли Имрон сураси, 96-оят.

⁴ Нур сураси, 36-оят.

ийд намози” бобининг матнида: “Абу Ҳанифа наздида ийд намозига чиқаётган кишининг такбир айтиши махфий бўлгани устунрок”, дейилган. Насафий ушбу иборани шарҳлаб қуйидаги оят ва ҳадисларни далил қилиб келтиради:

1. “Роббингизга тазарру ила ва махфий дуо қилинг”⁵;

2. “Роббингни ичингда тазарру ила ва кўрқиб, овоз чиқариб гапирмай зикр қил”⁶;

3. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Зикрнинг энг яхшиси махфийси ва ризқнинг энг яхшиси кифоя қилганидир”[7].

4. Набий (с.а.в.) овозларини баланд кўтариб дуо қилаётган қавмга: “Сизлар қар ёки ғойиб Зотга дуо қилаётганингиз йўқ”, дедилар[8].

Насафий шарҳидаги масалалар Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлардаги далилларга суянган ҳолда келтирилган. Шу боисдан аксарият мавзуларга оид масалаларда оят ва ҳадисларни қисқа кўринишда учратиш мумкин. У “ал-Мустасфо” асарида Қуръоннинг 71 сураси, 347 та оятидан жуда кўп ўринларда истифода этган. Қуръон суралари ичида энг кўп “Бақара”, “Нисо”, “Моид”, “Анъом” сураларига мурожаат қилган. Баъзи сураларнинг оятларини бир неча ўринларда қўллаган.

Насафий матнда бир ибора ёки масала ўртасида боғлиқлик кўрса, аксарият ҳолатларда ўша ибора ёки масалага икки ва ундан ортиқ шарҳ, унга алоқадор вазиятлар келтиради. У асар соҳибининг баъзи ибораларига шарҳ ва баёнига эҳтиёж бўлмагани ҳамда унинг назарида тушунарли экани сабабидан ўтказиб юборади. Матннинг далиллари ва уни йўналтиришга катта аҳамият беради. Оятларнинг тафсири ва ҳадисларнинг шарҳини келтириб, улардан ҳукм чиқариш йўллари изохлайди. Баҳсли ўринларда матн муаллифи келтирган масалалар билан кифояланади.

Матн муаллифи Абул Қосим Самарқандий ҳамда Абул Баракот Насафий ҳанафий мазҳаби вакили бўлгани сабабли улар ўртасида ихтилоф кузатилмайди. Шарҳловчи фикҳнинг фуруъ қисмини кўп зикр қилмайди. Агарда бирор масаланинг ўхшаш тарафи ёки истисно ҳолат бўлса, уни қисқагина қилиб айтиб ўтади. Масалан, “ал-Фикҳу-н-нофеъ” асарининг “Йўқолган киши” бобида: “Агар йўқолган кишининг манзили ҳамда тирик ёки ўлими

аниқ бўлмаса, қози унинг молини сақлайдиган, ғамхўрлик қиладиган, ҳаққига риоя қилиб, молидан аёли ва фарзандларига нафақа қиладиган бир кишини тайинлайди. Қози йўқолган кишининг ҳаёт экани эҳтимолидан у билан аёли ўртасини ажратмайди. Агар йўқолган киши туғилганидан бошлаб бир юз йигирма ёшга кирса унинг вафоти ҳақида ҳукм қиламиз. Чунки у бундан ортиқ яшаши мумкин эмас. Шундан кейин аёли идда сақлайди ҳамда моли ўша вақтда мавжуд бўлган меросхўрларига тақсимлаб берилади”, деган масалани келтирган.

Абул Қосим Самарқандийдан тахминан бир ярим аср кейин яшаган Насафий ўз давридаги муҳит ва шароитларнинг ўзгаришини инобатга олиб ҳамда мавжуд манбалардан фойдаланган ҳолда юқоридаги масалани қуйидагича шарҳлайди: “Унинг ёши бир юз йигирмага етса” деган жумла Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинган Ҳасан ибн Зиёднинг сўзи бўлиб, улардан кейингилар бу муддатдан кўп ҳаёт бўлиш мумкин эмас, дейдилар. Бироқ Нух алайҳиссалом ва бошқаларнинг умри бундан ҳам ортиқ бўлгани насс⁷ билан собит бўлганини ҳисобга олсак, бу қавлга таяниб бўлмайди. “Зоҳиру-р-ривоя”да унинг ўлими тенгдошларининг ўлими билан ҳисобга олинади дейилган”[9].

Мўътабар фикҳий манбаларимизнинг аксариятида бедарак йўқолган киши тўқсон ёшга киргунича хотини уни кутиши айtilган. “Фатавои ҳиндия”да: “Қози йўқолган киши ва хотини ўртасини ажратиб юбормайди. Йўқолган киши тўқсон ёшга кирса, унинг ўлганлиги ҳақида ҳукм қилинади. Фатво мана шу сўзга берилган. Унинг ўлганлиги ҳукм қилинган кундан бошлаб, хотини идда сақлайди”[10], деб айтиб ўтилган.

Аллома бирон масала юзасида вужудга келган мазҳаблар ўртасидаги турли фикрларни тарафкашлик ҳолатидан йироқ бўлган ҳолатда келтиради. Сўнгра унга ҳанафий мазҳабида қабул қилинган қавлни баён қиладди. “Қаъбада намоз ўқиш” бобида: “Шофеъий наздида Қаъба ичида фарз ва нафл намоз ўқиш жоиз эмас, дейилса, Молик фарз ўқиш мумкин эмас, нафл ўқиш жоиз дейди. Ҳанафий мазҳабида фарз ва нафл намозини ўқиш мумкин”[11], деган фикрларни берган.

Асарда келтирилган масалаларда бошқа олимларнинг хато қилган ўринлари бўлса, у

⁵ Аъроф сураси, 55-оят.

⁶ Аъроф сураси, 205-оят.

⁷ Қуръон ва суннат.

хатога жавобан исбот тариқасида берилган мисолларда ҳам Насафийнинг эҳтиёткорлик ва ҳурмат кайфиятини сезиш мушкул эмас. “Ҳаж” бўлимида Сафодан Марвагача бўлган масофадаги юриш бир марта, Марвадан Сафога қайтиш иккинчи марта деб ҳисобланади, дейилган. Таҳовий Сафодан Сафогача бориш етти маротаба қилинади, деб қайтишни эътиборга олмасдан зикр қилган. Абу Бакр Розий эса буни хато, саъй қилиш жами етти маротаба, юкоридаги фикрда эса бориб-қайтиш ўн тўрт мартага айланиб кетади, деган. Муаллиф матни ҳамда “Мабсут”да саъй Сафодан бошланиб, Марвада тугаши керак ёки биринчи юриш Сафодан бошланиб, еттинчи юриш ниҳояси Марвада бўлади, деб зикр қилинган”[12].

Шунингдек, “ал-Мустасфо” асарининг “Намознинг сифати” бобида келган тасмийнинг “Фотиҳа” сурасининг бир бўлаги экани ҳақидаги Шофеъий фикрига Насафий Имом Хоҳарзода сўзи ва ақлий салоҳияти орқали қуйидагича жавоб беради: “Имом Хоҳарзода тасмийни қироатнинг бошланиши ва санонинг бир бўлаги экани унинг Қуръондан эканига далолат қилади, намозда унинг жаҳрий айтилмаслиги эса, “Фотиҳа” сурасининг бир қисми эмаслигидан, деган. Шофеъий тасмийни “Фотиҳа”нинг бир ояти ва ҳар бир суранинг боши деб ҳисоблайди. Бизнингча, у “Фотиҳа”нинг ва бошқа сураларнинг ҳам ояти эмас”. Демак, ҳанафийлар наздида, тасмий Қуръонда ёзилган оят бўлиб, намозда уни “Фотиҳа”дан олдин овоз чиқариб ўқимаслигига ишора қиладиган далиллар унинг “Фотиҳа” сурасининг бир бўлаги эмаслигига далолат қилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Басмалани “Намл” сурасидаги оятда келганидан ташқари, суралар орасини ажратиш учун нозил қилинган тўлиқ бир оят ҳисобланади. Абул Баракот Насафийнинг тафсирига бағишланган “Тафсиру-н-Насафий” асарида ҳам бу масалада мазҳаблар фикрлари, уларнинг далиллари келтирилган ва унда ҳам ҳанафийлар фикри қўллаб-қувватланган.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Абул Баракот Насафий шарҳда ноаниқ ва тушунарсиз жумлаларни ишлатмай, осон услуб, аниқ ибора ва тушунарли сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Умуман олганда шарҳ ортиқча жумла, муболаға ҳамда фойдаси бўлмаган қўшимча сўзлардан холи бўлиб, олим шарҳдаги ибораларни

тушунтириш, далилларни йўналтириш ҳамда асослашда уни кенгайтириб баён қилади.

Хулоса қилиб айтганда, шарҳнинг манбалари фақатгина фикҳ илми билан чегараланмай, балки усул, тафсир, луғат, ҳадис каби бошқа илмлар билан ҳам бойитилган. Ушбу шарҳда танланган асарлар машҳур ва асл манбалар сирасига киради. Ўқувчи асар билан танишар экан фикҳ ва луғат соҳасида кенг билимга эга бўлади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

5. Мирзиёев Ш.М. 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатнома. <https://president.uz/uz/lists/view/3377>.
6. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо. – Туркия: Millet genel kutuphanesi. Қўлёзма. № 847. – В. 1/6.
7. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофеъ. – Истанбул: Мактаба ал-иршод, 2017. – Б. 45.
8. А.Маллабаев. Абул Баракот Хофизиддин Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари муҳим фикҳий манба // “Инфолиб” ахборот-кутубхона хабарномаси. № 4(16) 2018. – Б. 68-69.
9. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофеъ. Ж. I. – Истанбул: Мактабату-л-иршод, 2017. – Б. 567.
10. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофеъ. Ж. II. – Истанбул: Мактабату-л-иршод, 2017. – Б. 382.
11. Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснади Аҳмад. Ж. III. Муассасатур-р-рисала. – Б.131. 1559-ҳадис. Санади заиф.
12. Олтин силсила. Саҳиҳи Муслим. Ж. VI. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2020. – Б. 167-168.
13. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофеъ. Ж. II. – Истанбул: Мактабату-л-иршод, 2017. – Б. 538.
14. Низомиддин Бурхонпурӣ. Ал-Фатавоу-л-ҳиндия. Ж. II. – Байрут: Дару-л-кутуби-л-илмия, 2000. – Б. 318.
15. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофеъ. Ж. II. – Истанбул: Мактабату-л-иршод, 2017. – Б. 480.
16. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофеъ. Ж. II. – Истанбул: Мактабату-л-иршод, 2017. – Б. 34.